

*Усманова Хумора Аҳмаджоновна,*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият*

*институти катта ўқитувчиси*

## **ТИЛШУНОСЛИКДА РАМЗЛАР ТАДҚИҚИ**

**Аннотация.** Оила – никоҳ муносабатларини тартибга солиш зарурияти билан юзага келади. Оила қадимдан муқаддас қўрғон саналади. Ҳар бир шахс оилада дунёга келади, улғайиб камол топади. Шунга кўра оила ва никоҳни ифодаловчи рамзлар алоҳида аҳамиятга эга. Мақолада оила ва никоҳ билан боғлиқ рамзий ифодалар ўзбек шеърияти мисолида таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** ўзбек шеърияти, оила, никоҳ, рамз, дараҳт, рўмол, обьект, муносабат.

*Усманова Хумора Аҳмаджоновна,  
старший преподаватель Государственного института  
искусств и культуры Узбекистана*

## **ИССЛЕДОВАНИЕ СИМВОЛОВ В ЛИНГВИСТИКЕ**

**Аннотация.** Семья возникает при необходимости регулирования семейно-брачных отношений. Семья издревле считалась священной крепостью. Каждый человек рождается в семье, растет и совершенствуется. Соответственно, символы, олицетворяющие семью и брак имеют особое значение. В статье на примере узбекской поэзии анализируются символические выражения, связанные с семьей и браком.

**Ключевые слова:** узбекская поэзия, семья, брак, символ, дерево, платок, предмет, отношения.

*Usmanova Xumora Ahmadjonovna,  
senior teacher of Uzbekistan state  
Institute of Arts and Culture*

## **STUDING SYMBOLS IN LINGUISTICS**

**Abstract.** It arises with the need to regulate family-marriage relations. The family has been considered a sacred fortress since ancient times. Every person is

born in a family, grows up and matures. Accordingly, symbols representing family and closeness are of particular importance. The article analyzes symbolic expressions related to family and marriage on the example of Uzbek poetry.

**Key words:** Uzbek poetry, family, marriage, symbol, tree, scarf, object, relationship.

**Kirish.** Оила – никоҳ муносабатларини ва уруғлараро муносабатларни тартибга солиш зарурияти билан юзага келади. Оила жамиятнинг таянчи, унинг биринчи ва бирламчи ядроси, заррасидир. Онгли оила бўлиб яшаш дунёдаги барча махлукот ва жонзотлар орасида фақат инсон зотига хосдир.

**Asosiy qism.** Оила тарихининг Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлангани ривоят қилинади. Барча муқаддас китобларда келтирилган ушбу кўхна нақл замонавий илм-фан томонидан ҳам ўз тасдигини топмоқда. Бинобарин, мұхабbat тарихи ҳам шу кўхна ривоятга туташади. “Севги ҳам Одам Атодан қолган инсон қонида” деб ёзганда шоир Э.Воҳидов ҳақ эди. Генетика, биология фанлари қонунларига кўра, ҳар бир инсоннинг ўзи бир олам, улар асло бири бирини такрорламайди. Ана шу бири иккинчисига ўхшамайдиган одамларнинг, яъни эр ва хотиннинг ихтиёрий иттифоқидан оила деб аталувчи янги бир олам, бу оламда ўз навбатида яна “янги одам”лар – фарзандлар вужудга келади. [1]

Туркий халқлар оилаларига хос рамзий хусусиятлардан бири – ўз насл-насабини давом эттириш, солиҳ фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиши бўлса, иккинчи мухим хусусияти – оила ҳаётининг покликка, софликка асосланишидир. Бу ўринда поклик, софлик кенг маънони ифодалаб, маънавий поклик, ҳалоллик, асл маънодаги тозалик ва покизалик, ўзаро муносабатлардаги тўғрилик ва самимият ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Зеро, “Ҳалоллик деб, кишининг атрофдагилар билан бўладиган муносабатидаги самимийлиги, соф ва очиқкўнгиллилигини ифодалайдиган

ҳамда сўзи ишининг бирлигига намоён бўладиган аҳлоқий ҳислатга айтилади”. [2]

Азиз Қаюмов, аввало, Навоий “Хамса”сидаги достонларнинг ижодий таржимасини амалга оширишга, ўзининг теран мушоҳадали талқинларини илмий-оммабоп тилда, бадиий тасвирларга бой эссе даражасидаги мустақил асарлар кўринишида халққа етказишга ҳаракат қилгани кузатилади. Инсоннинг фарзанд кўриш орзу-истаги кундалик турмушга оид оддий ҳол ва оддий бир тартибdir. Негаки, ҳар бир инсон ўзидан ном ва из қолдириши учун, аввало, фарзандли бўлишга, яна ўз халқи ва эли учун нимадир эзгу ва хайрли ишлар қилиб қолдиришга интилиб яшайди. Булар инсон моҳиятини белгиловчи қирралардир. Навоий айтганидек:

*Ким, эскирибон ҳаёт раҳти,  
Майл этса ииқилғали дарахти.  
Нахли бўлгай ёнида наебар,  
Раънолиги ўйлаким, санавбар.*

Шоир демоқчики, агар кишида бола бўлса, унинг ҳаёт дарахти ииқилганида санавбар сингари бир баркамол ниҳол унинг ўрнида қад кўтариб туради. Мабодо ҳодисалар молу мулкини тўзитиб юборадиган бўлиб қолса, меросхўр бунга йўл қўймайди. [3]

Аллоҳ таоло инсон зотини жуфт қилиб, эркак ва аёлдан иборат қилиб яратганда уларнинг ҳар бирига ўзига хос хусусиятларни берди ва уларнинг никоҳ орқали ҳалол-пок яшаб, ўзларидан зурриётлар қолдиришларини ҳамда айни шу йўл билан дунёning обод бўлишини ва одам сулоласини Қиёмат-қоим бўлгунча ҳалол-пок йўл билан давом этиб боришини ирова қилди. Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган инсон қандай яшаса саодатли бўлишини яхши биладиган Аллоҳ таоло эркак ва аёлларнинг никоҳ орқали оила қуриб яшашларини ирова қилди. Шунинг учун ҳам Ўзининг барча Анбиёларига, авлиёларига ва солиҳ бандаларига никоҳли ҳаётни раво кўрди. Ўзининг барча самовий динларида никоҳни жорий қилди. Ўша динлари орқали инсониятга,

ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги каби, никоҳ ва оила борасидаги саодатга элтувчи қўрсатмаларини тақдим қилиб борди. Шу тарзда, Аллоҳ таоло инсониятни аста-секин тарбиялаб келди ва ниҳоят инсоният камолга етганда Ўзининг охирги ва мукаммал дини, Қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини — Ислом орқали оилавий ҳаётнинг мукаммал таълимотларини жорий қилди. Ушбу таълимотларга ихлос билан амал қилганлар оилавий баҳт нашийдасини суриб келдилар ва келмоқдалар. [4]

Ўзбек шеъриятида оила ва яқинлик яъни никоҳ билан алоқадор рамзий ифодалар кўплаб учрайди. Эркин Воҳидов ўзининг “Никоҳ ва оила” китобида давлат иши дея никоҳ ва оиланинг рамзий маъносини кенг маънода ифода этиб, ёритиб берган. Никоҳнинг қанчалар поклик обьекти эканлигини ўзининг мисраларида ифода эта олган:

*Икки жсон қовушиса юлдузлар огоҳ.*

*Бу қисмат амридир, чарх гардишиидир.*

*Ерга тушибан чоги осмоний никоҳ.*

*Чакана иши эмас, давлат ишиидир.*

*Ерда инсон наслин қилганда пайдо,*

*Мангалик бадарга бўлиб жсаннатдан,*

*Ажаб, Одам Ато ва Момо Ҳаво,*

*Хужжат олмабдилар ҳеч бир давлатдан. [5]*

Кўринадики, шеърий мисралар кинояли бўлишига қарамай, ҳалоллик, садоқат, вафони англатувчи никоҳни рамзий маънода давлат иши деб таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, рўмол ҳам – оила, оила ҳақидаги орзу, ўй рамзи саналади. Қуйидаги мисраларда бунинг исботини кўрамиз:

*Уйингиз орқасида қуйнинг изи,*

*Машҳади рўмол тикар бойнинг қизи.*

*Машҳади рўмол бордир белимизда,*

*Айта-айта кетамиз биз йўлимизда. [6]*

Эътибор берсангиз, бу сатрларда беғуборлик, самимилик бор. Яъни *машҳади рўмол тикар бойнинг қизи мисрасида*, янги ҳаётга қадам қўйиш, вафодор ёр бўлиш, никоҳга, оиласига садоқат рамзи ифодаланмоқда.

Усмон Азим ўз ижодида дараҳт образини такрор ва такрор яқинлик, севги-муҳаббат, оила рамзи сифатида таъкидлаб келган.

*Боғ қўйнида икки дараҳт - Бир-бирига интизор.*

*Сен - бир дараҳт, Мен - бир дараҳт, Куйиб-куйиб ўтдик, ёр.*

*Аммо баҳор келганида, Очилиши керак экан.*

*Гулу мева, хазон бўлиб, Сочилиши керак экан. [7]*

Юқоридаги шеърий мисраларда айрилиқ, севги тимсоли рамзий ифодалангандар бўлсада, дараҳт образи садоқат, вафо тушунчалари билан уйғунлашиб, яқинлик рамзига айланиб кетган.

**Xulosa.** Оила ва никоҳни ифодаловчи рамзлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлар жуда узоқ йиллик илдизларга бориб тақалади ҳамда, оила иймон-эътиқодли, салоҳиятли фарзандлар етишиб чиқиш учун садоқат, вафодорлик билан боғланади. Никоҳ, дараҳт, рўмол ва бошқа оила ва яқинликни ифодаловчи рамзлар нафақат ўзбек шеъриятида, ўзга халқлар оғзаки ижодида ҳам кузатилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Нажмидинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. – Тошкент: «Адолат», 2016.
2. Шодмонова Ш.С. Оилада кичик мактаб ёшидаги болаларни миллий қадриятлар асосида ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари: Пед. фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 2001.
3. Адизова О. А.Қаюмовнинг Навоий “Ҳамса”сида фарзанд ва ота-она муносабатига биографик ёндашуви. Филология ва маданият масалалари илмий-услубий мақолалар тўплами. – Карабук, 2019.
4. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: «Hilol-Nashr», 2013.

5. Воҳидов Э. “Никоҳ ва оила” китобидан. Давлат иши, – 1989.
6. Аҳмедов А. Асл айтимларни қўйлайлик. – Тошкент, 2020.
7. Усмон Азим. Икки дараҳт. [https://t.me/Adabiyot\\_olami](https://t.me/Adabiyot_olami)